

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

231 «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини қуриш (5-навбат)» инвестиция лойиҳаси амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда табиий ресурслар чуқур қайта ишланишини таъминлашни давом эттириш ва суултирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1-иловага* мувофиқ асосий техник-иқтисодий параметрларга эга бўлган «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини қуриш (5-навбат)» инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар:

* 1-илова берилмайди.

48,97 млн АҚШ долларига тенг бўлган миқдорда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг ўз маблағлари;

«Ўзсаноатқурилишбанк» очик акциядорлик тижорат банки қайта молиялаштирадиган, 7 йил муддатга бериладиган, шу жумладан имтиёзли давр 2 йил бўлган, йиллик фоиз ставкаси 7 фоиз, шу жумладан қайта молиялаштирувчи банкнинг маржаси йиллик 2 фоиз миқдорида бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 37,50 млн АҚШ доллари суммасидаги маблағлари «Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонасида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини қуриш (5-навбат)» инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредити, кредит бўйича фоизларни ва воситачилик ҳақини қайтаришнинг прогноз жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси қарз олувчи ва «Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонасида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини қуриш (5-навбат)» инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредитидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредити бўйича асосий қарзларни қайтариш, фоизларни ва воситачилик ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатлар «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа хужжатлари белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш ишлари бажарилиши сифати устидан зарур тарзда давлат архитектура-қурилиш назорати амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 22 май,
141-сон

* 2-илова берилмайди.